# КЎЧМАС МУЛК — СИЗНИНГ МУЛКИНГИЗ

## 26 ноябрь — кимошди савдоси куни

## ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР ДИҚҚАТИГА!

*Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси Тошкент вилояти бошқармаси ва республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти бўлими шу йилнинг 26 ноябрь куни кўчмас мулкларнинг кимошди савдосини ўтказади.*

*Вилоят миқёсида илк марта ўтадиган ушбу кимошди савдосига қўйилган иншоотлар билан танишинг:*


Ангрен шаҳрининг Навоий кўчасидаги кимёвий усулда тозалаш комбинати.


Ангрен шаҳар Қорабоғ қўрғонидаги ҳаммом.


Чирчиқ шаҳридаги қурилиши тугалланмаган «Детское» кафеси.

Чирчиқ шаҳридаги қурилиши тугалланмаган «Детское» кафеси. 100 ўринли ушбу иншоот 8-даҳада жойлашган. Бино бир қаватли бўлиб, йиғма темир-бетон ва пишиқ ғиштдан бунёд этилган. Қурилиши 82 фоизга бажарилган.

**БОШЛАНҒИЧ НАРХИ -- 30 МИНГ СЎМ**

* * *

Чирчиқ шаҳрининг 10-даҳасидаги сабзавот дўкони. Қурилиши тугалланмаган бу бир қаватли объект ғиштли девор билан ўралган. Умумий майдони 791,9 кв. м, фойдаланишга топшириш учун пардозлаш ишларини амалга ошириш талаб этилади.

**БОШЛАНҒИЧ НАРХИ -- 100 МИНГ СЎМ**

* * *

Товоқсой қўрғони Авезов кўчасидаги қурилиши тугалланмаган 6-даражадаги дорихона. Қурилиши 1991 йилда бошланган. Деворлари монолит темир-бетон ва ғиштдан, техникавий тахтлиги -- 25 фоиз.

**БОШЛАНҒИЧ НАРХИ -- 15 МИНГ СЎМ**

* * *

Ангрен шаҳрининг 10 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган 5/5 даҳасидаги қурилиши тугалланмаган маиший хизмат уйи. Бино бир қаватли бўлиб, ғишт, панел ва тошли бетондан тикланган. Умумий майдони -- 427 кв. м. Ер участкаси -- 0,05 гектар.

**БОШЛАНҒИЧ НАРХИ -- 20 МИНГ СЎМ**

* * *

Ангрен кўмир разрезининг қурилиши тугалланмаган маъмурий-маиший хизмат кўрсатиш уйи. Шаҳар четида. 700-АТС яқинида жойлашган. Қурилишга ажратиладиган ер майдони 2,2 га. Бинонинг умумий майдони -- 7869 кв. м.

Етти қаватли иншоотда маъмурий-маиший хизмат кўрсатиш бўлими, йиғилишлар зали, ахборот-ҳисоблаш маркази, ошхона, кир ювиш хонаси ва омбор мавжуд.

**БОШЛАНҒИЧ НАРХИ -- 300 МИНГ СЎМ**

* * *

Янгийўл шаҳрининг «Навруз» мавзесидаги қурилиши тугалланманган 5 минг рақамли АТС, Техникавий тахтлиги -- 20 фоиз. Мавжуд лойиҳа-харажатлар ҳужжатига мувофиқ АТС темир-бетон блоклар ва пишиқ ғиштдан икки қаватли қилиб қурилиши керак.

**БОШЛАНҒИЧ НАРХИ -- 40 МИНГ СЎМ**

* * *

Паркент тумани Бўстон қўрғонидаги қурилиши тугалланмаган сабзавот омбори. Иншоотнинг материали темир-бетон блоклардан. Умумий майдони -- 864 кв. м. Қурилиш 1985 йилда бошланган. Техникавий тахтлиги -- 30 фоиз.

**БОШЛАНҒИЧ НАРХИ -- 80 МИНГ СЎМ**

* * *

Паркент тумани марказидаги қурилиши тугалланмаган электр тақсимлаш пункти. Бино теварагидаги ҳудудида савдо шахобчалари қурилмоқда.

**БОШЛАНҒИЧ НАРХИ -- 10 МИНГ СЎМ**

* * *

Чирчиқ шаҳридаги «МУЗҚАЙМОҚ» қаҳвахонаси. У ёғоч синчли бўлиб, шаҳарнинг 1-даҳасида жойлашган.

**БОШЛАНҒИЧ НАРХИ -- 20 МИНГ СЎМ**

* * *

Паркент тумани Механизаторлар кўчасидаги бир қаватли маъмурий бино. 1980 йилда қурилган, 5 та хонаси бор. Электр, газ, ичимлик суви билан таъминланган. Ер участкасининг майдони 0,06 га. Турар-жой учун ҳам фойдаланиш мумкин.

**БОШЛАНҒИЧ НАРХИ -- 15 МИНГ СЎМ**

* * *

Паркент боғидаги ёзги клуб. 1984 йилда ишга туширилган. Пишиқ ғиштли девор билан ўралган, бир қаватли, тақаб қурилган сўриси бор. 96 кв. м. ни ташкил этади. Ер участкаси майдони -- 379 кв. м.

**БОШЛАНҒИЧ НАРХИ -- 50 МИНГ СЎМ**

* * *

Қорабоғ қўрғонидаги (Ангрен ш.) ҳаммом, 1991 йилда қурилган. Биноси бир қаватли бўлиб, ғиштдан тикланган. Ер участкаси майдони 0,5 га. Умумий майдони 1212,5 кв. м. Ҳаммом қўрғоннинг аҳоли энг кўп яшайдиган қисмида жойлашган.

**БОШЛАНҒИЧ НАРХИ -- 140 МИНГ СЎМ**

* * *

Ангрен шаҳридаги «Перевалбаза» худудида жойлашган ярим тайёр маҳсулотлар цехи (сабзавот, қандолат цехи, гўшт маҳсулотлари цехи ҳам бор).

**БОШЛАНҒИЧ НАРХИ -- 70 МИНГ СЎМ**

* * *

Ангрен шаҳрининг Навоий кўчасидаги кимёвий усулда тозалаш комбинати. 1972 йилда темир-бетондан қурилган. Икки қаватли. Бино бир қанча ишлаб чиқариш участкаларига бўлинган, умумий майдони 500 кв. м. Ер участкаси майдони -- 0,8 га.

**БОШЛАНҒИЧ НАРХИ -- 150 МИНГ СЎМ**

* * *

Келес шаҳри Сағбон кучасидаги 4 қаватли панел уйнинг 5 та квартираси. Ҳар бири икки хонали бу квартиралар 1--4 қаватларда жойлашган. Квартираларнинг умумий майдони 53,2 кв. м.дан.

**БОШЛАНҒИЧ НАРХИ -- 20 МИНГ СЎМДАН**

* * *

Яна шу кучадаги 4 қаватли панел уйнинг 5 та квартираси. Улар уч хонали бўлиб, 1--4 қаватларда жойлашган. Мазкур хонадонлар ҳар бирининг умумий майдони 67,5 кв. м.дан.

**БОШЛАНҒИЧ НАРХЛАРИ -- 30 МИНГ СЎМДАН**


Чирчиқ шаҳридаги «Музқаймоқ» қаҳвахонаси.


Паркент тумани марказидаги қурилиши тугалланмаган электр тақсимлаш пункти


Чирчиқ шаҳрининг 10-даҳасидаги сабзавот дўкони.

# КИМ ОШДИ САВДОСИГА МАРҲАБО!

*РКМБ Тошкент вилоят бўлими манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51—уй, 109—хона. Телефон: 33—08—65.*

*Вилоят шаҳарларида эса қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:*

Ким ошди савдоси иштирокчилари соат 10 дан рўйхатга олинади
САВДО СОАТ 12 ДА БОШЛАНАДИ

Чирчиқда -- (271) 52-536;
Ангренда -- (266) 25-835;
Янгийўлда -- (260) 73-981;
Паркентда -- (272) 22-851;
Келесда -- (296) 56-037.



